



**Scientific Conference on Multidisciplinary Studies**

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

---

## **ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИДА**

Зоҳидов Иброҳим Анварович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси  
мустақил изланувчиси

### **АННОТАЦИЯ:**

Мақолада БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида қабул қилинган ҳақларо конвенцияларининг мақсади ва моҳияти, шунингдек гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланмасига ёшларнинг жалб қилинаётганлиги масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Бирлашган миллатлар ташкилоти, халқаро ҳамкорлик, ёшлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, ноқонуний айланиш, миллий ва хорижий тажриба.

## **ВОПРОСЫ БОРЬБЫ С ПРАВОНАРУШЕНИЯМИ, СВЯЗАННЫЕ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ В НОРМАХ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА**

Зоҳидов Иброҳим Анварович,

Самостоятельный соискатель Правоохранительной Академии  
Республики Узбекистан

### **АННОТАЦИЯ:**

В статье освещены цель и значение конвенций ООН по борьбе с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ, отечественный и



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

зарубежный опыт, также, пресечение использования молодежи в незаконном обороте наркотических средств и психотропных веществ.

**Ключевые слова:** Организация объединенных наций, молодежь, незаконный оборот, наркотические средства и психотропные вещества, отечественный и зарубежный опыт.

Zohidov Ibrohim Anvarovich  
Free applicants Academies of Law Enforcement  
Republic of Uzbekistan

### Annotation:

The article highlights the purpose and importance of the UN conventions on combating illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances, domestic and foreign experience, as well as the suppression of the use of youth in illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances.

**Keywords:** United Nations, youth, illicit trafficking, narcotic drugs and psychotropic substances, domestic and foreign experience.

Барчамизга маълумки халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланган Ўзбекистон бугунги кунда, 100 дан ортиқ халқаро ташкилотлар ва 200 га яқин турли соҳаларга оид халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо. Мамлакатимизнинг асосий қонуни бўлган Конституцияда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиниши алоҳида таъкидланган.[1]

Халқаро конвенциялар орасида инсоният саломатлиги ва жамоат хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлганларидан бири, БМТнинг“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясидир.



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

Мазкур конвенция 1988 йил 20 декабрида Вена шаҳрида имзоланиб, 1990 йил 11 ноябрдан кучга кирган. Конвенция муқаддима, 34 модда ва иловадан иборат. [2]

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги биринчи халқаро шартнома 1912 йилги Гаага Конвенцияси бўлиб, унда гиёҳванд воситаларни ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланиш қонун билан чекланиши ва шундай фаолият фақат тиббий мақсадларда амалга оширилиши кераклиги белгиланган. Кейинги қарийб 50 йил давомида гиёҳванд воситалар муомиласи билан боғлиқ яна тўққизта халқаро ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

БМТ томонидан Гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш соҳасидаги халқаро шартномаларни бирлаштириш мақсадида 1961 йилда гиёҳвандлик воситалари тўғрисида ягона Конвенция қабул қилинди.[3]

Ундан кейин 1971 йилда психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишининг олдини олишга қаратилган психотроп моддалар тўғрисида Конвенция қабул қилинди.[4]

Мазкур икки конвенцияда назарда тутилган назорат чораларини янада такомиллаштириш зарурати юзага келганлиги сабабли 1988 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинди.[2]

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ қўшилган.

Мазкур қарор 1995 йил 22 ноябрдан кучга кирган.[5]

Ўзбекистоннинг мазкур конвенцияга қўшилишининг асосий омили Марказий осие минтақасидаги нарковазият аҳолининг инобатга олинганлиги бўлиши мумкин десак муболаға бўлмайди. Конвенциянинг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз

Конвенциянинг муқаддимасида гиёҳвандликка қарши курашнинг кескин кучайиши билан бирга, ноқонуний айланув, чек қўйилиши ўта муҳим ва эътибор берилиши кечиктириб бўлмайдиган халқаро жиноий фаолият



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

эканлиги тан олиниб, турли хил ижтимоий гуруҳлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдоси тобора кўпайиб бораётгани, айниқса, ёшлар ушбу жиноий фаолиятга жалб қилинаётганига алоҳида урғу берилган. Конвенцияда 21 та асосий тушунчаларга таърифлар берилган.

Конвенциянинг мақсади гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг халқаро характердаги ноқонуний айланувига қарши курашни янада самарали олиб бориш учун ҳамкорликни ривожлантириш шунингдек, унинг барча босқичлари учун ҳуқуқий тамойилларни тайёрлашдан иборат. Ушбу Конвенция бўйича мажбуриятларни бажаришда томонлар ўзларининг ички қонунчилигига мос келадиган зарур чораларни, шу жумладан, ташкилий ва қонунчилик чораларини кўришлари алоҳида таъкидланади. Ушбу талабдан келиб чиқиб, Халқаро ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 19 августдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида" Қонунини қабул қилди.[6]

Конвенцияга аъзо ҳар бир давлат гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳаракатларни қасддан содир этилган тақдирда, ўз қонунчилигига биноан жиноий ҳуқуқбузарлик деб тан олиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўриши талаб қилинади.

Конвенция гиёҳвандлик жиноятларини оғирлаштирадиган ҳолатларни, уюшган жиноий гуруҳларни аниқлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни жамлашга ундайди.

Томонлар ҳуқуқбузарликларнинг жиддий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки унинг бошқа турлари, ва мусодара қилиш каби жазо санкцияларни қўллашни назарда тутувчи чораларини кўришлари тавсия этилади.

Мазкур талабга монанд Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" боби ўрин олган.[7]



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

Конвенция ўз миллий қонунчилигига мувофиқ бирон бир иштирокчи томонидан белгиланган жиноий юрисдикцияни истисно этмаслиги қайд этилган.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи натижасида олинган даромадларни аниқлаш, фош этиш, ҳаракатланишини тўхтатиб қўйиш ва ҳибсга олиш учун кўмаклашишга қаратилган қоидалар Конвенциянинг асосий янгиликлари ҳисобланади. Нопок йўл билан топилган ушбу даромадларни мусодара қилиш гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланувчи шахсларга ўзларини тийиб туришлари учун жиддий таъсир курсатиши назарда тутилади.

Ҳар бир томон ҳуқуқбузарликлар содир этилиши натижасида олинган даромад ёки қиймати бундай даромадга мос келадиган мулк, ҳуқуқбузарликларни содир этишда фойдаланиладиган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар, материаллар ва жиҳозлар ёки бошқа воситаларни мусодара қилиш учун зарур бўлган чораларни кўради.

Ваколатли органлар кейинчалик мусодара этиш мақсадида ноқонуний муомаладан олинган жиноий даромадларни ёки унда фойдаланилган мол-мулкларни аниқлаш, музлатиш ёки олиб қўйиш чорларини кўради.

Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар гиёҳванд моддалар ноқонуний айланувидан тушган даромадларни мусодара қилишни соддалаштириш учун ўзларининг миллий қонунларини замон талабига мослаштиришга келишиб олдилар.[2]

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга алоқадор шахсларни экстрадиция қилиш ва таъқиб қилишни енгиллаштириш кўзда тутилади.

Томонлар бир-бирларига жиноий ҳуқуқбузарлик бўйича тергов ва суд ишларини юритишда имкон қадар кенг ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар. Жумладан,

- а) далиллар тўплаш;
- б) суд жараёни материаллари билан танишиш;
- с) тинтувлар ўтказиш ва ҳибсга олишлар;



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

д) объектлар ва жойларни кўздан кечириш;

е) ахборот ва ашевий далилларни тақдим этиш;

ф) тегишли ҳужжатлар ва материалларнинг асл нусхаларини ёки тасдиқланган нусхаларини, шу жумладан банк, молиявий ёки тижорат ҳужжатларини тақдим этиш;

г) далилий мақсадларда даромадлар, мол-мулк, маблағ ёки бошқа буюмларни белгилаш ёки аниқлаш.

Фавқулудда ҳолатларда Халқаро жиноий полицияси (Интерпол) каналлари орқали ўзаро ёрдам кўрсатилиши таъкидланади.[2]

Томонлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни фош этиш учун материалларни ўзаро топшириш имкониятини кўриб чиқишлари акс эттирилган.

Томонлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида ўзларининг миллий ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ ҳаракат қилиб, бир-бири билан яқин ҳамкорлик қиладилар.

Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа идоралар, шу жумладан, божхона органлари ходимларини ўқитиш учун махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиши ёки такомиллаштирилиши белгиланган.

Томонлар почта жўнатмаларидан ноқонуний айланув учун фойдаланишнинг олдини олиш чораларини кўрадилар ва шу мақсадда бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний муомаласига қарши кураш соҳасида ўз давлатлари миллий қонунчилигининг мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида ахборот алмашиш ва келгусида ушбу қонунчиликка киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида бир-бирларини хабардор қилиш.[2]

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний олиб ўтилишининг ўзгача усуллари билан боғлиқ аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, наркожиноятчилик тенденцияси тўғрисида батафсил ахборот тақдим этилиши белгиланган.



## Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Bursa, Turkey

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

11<sup>th</sup> April, 2025

Мазкур йўналишда Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, ички ишлар органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, 1961 ва 1971 йиллар Конвенциялари билан биргаликда 1988 йилги Конвенция халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланади ва уларнинг асосида жаҳон давлатларининг аксарияти ўртасида янада самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади. Конвенциянинг ижросини амалга ошириш - катта даромад келтирувчи ва бутун жаҳонда кўп сонли инсонларнинг, хусусан, ёшларнинг ҳаётини захарловчи гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши халқаро курашда самарали механизм бўлиб хизмат қилиши назарда тутилади.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
2. БМТнинг 1988 йил 20 декабрдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
3. БМТнинг 1961 йил 25 мартдаги “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида” ягона Конвенцияси. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
4. БМТнинг 1971 йил 21 февралдаги “Психотроп моддалар тўғрисида” Конвенцияси. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенциясига қўшилиш ҳақида”ги қарори. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
6. Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 19 августдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида" Қонуни. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // Электрон манба: <http://www.lex.uz/pages/>.